Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 73 (10.322).

1992 йил 30 апрель пайшанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон-Туркия

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК АСОСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Туркия Республикаси расмий делегациясининг ҳар бир дақиқаси қадрли бўлган қисқа муддатли, лекин самарали ташрифи жуда яхши натижа берди.

Тўққизта муҳим ҳужжат имзоланди. Равшанки, улар матбуотда эълон қилинади. Шунга қарамай, уларнинг баъзиларини айтиб ўтамиз. Булар — банкларо битим, қарз бериш муаммоларига тааллуқли ҳужжатлар, ҳаво ва ер транспорти масалаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлардир...

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов билан Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл 28 апрель куни оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан суҳбатлашган пайтда ана шу ҳужжатлар ва бошқа кўп масалалар ҳақида гап борди.

...Жуда кўп саволлар берилди, бу саволларга батафсил жавоблар олинди!

Энг муҳими — Туркия ёш мустақил республиканинг оёққа туриб, туб демократик ўзгартишлар йўлига чиқиб олишида унга ёрдам беришга тайёрдир.

Сулаймон Демирэл ўз фикрини аниқ ифодалади: «Биз Ўзбекистонга ёрдам беришга тайёрмиз. Мустақиллик йўлига ўтган давлат мададга муҳтож бўлади. Биз Президент Ислом Каримов билан жуда кўп муаммоларни муҳокама қилдик. Табиийки, улар мураккаб муаммолардир. Лекин уларни ҳал этиш мумкин!

Шундан сўнг Туркия Республикасининг Бош вазири давлатлараро муносабатлар масалаларига тўхталди. Ў Ўзбекистон билан Туркиянинг ҳамкорлиги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб беришини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистонни қардош мамлакат халқи билан фақат тилнинг ўхшашлиги яқинлаштираётганлиги йўқ. Тарихни эслашнинг ўзи кифоя: буюк ипак йўли, минтақалар ўртасидаги ўзаро савдо муносабатлари уларни бир-бирига жалб этмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига қайтарилган жавоблар бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди, шундай бўлиши табиий эди. Чунки Демирэл жаҳон ҳамжамиятида машҳур сиёсатчидир. Унинг фикрига қулоқ солишади, унинг юз бераётган воқеаларга ўзига хос фикри ҳамиша эътиборни жалб қилади.

Бош вазирнинг кайфияти жуда яхшилигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ҳам тушунарли. Чунки жуда муҳим ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди, кўпгина масалалар ҳал қилинди. Туркия Республикасининг элчихонаси очилди. Хуллас, Тошкентда элчихона очилиши билан икки мустақил давлат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ҳар галгидек, аниқ ва лўнда гапирди. У журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, уларнинг диққат-эътиборини жаҳоншумул муаммоларга қаратди.

Ўзбекистон амал қилаётган Туркия иқтисодий модели мустақил давлатнинг меҳнат ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланишни назарда тутади. Ўзбекистон эса айни шу ресурсларга бой давлатдир. Шу сабабли улардан оқилона фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга моликдир.

Сўнгги йилларда Туркия иқтисодиёти жадал ривожланди. Биринчи навбатда илғор технологиялар ҳисобига, иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш, хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобига ривожланди. Бу тажрибани ўрганиб, уни Ўзбекистонда жорий этиш керак.

Ўзбекистон Президенти юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлган республиканинг ҳозирги иқтисодий тангликдан чиқиб олиши учун ҳақиқий имконият борлигини таъкидлади. Ёш мустақил давлат Туркия тажрибасидан, унинг илғор иқтисодий моделидан фойдаланиб, ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал эта олади, жаҳон ҳамжамиятидаги ривожланган мамлакатлар қаторига чиқа олади. Мустақил давлат пойтахтида Туркия Республикаси элчихонасининг очилиши эса бунга кўмаклашади.

Журналистлар билан суҳбат катта қизиқиш уйғотди. Бу ерга турли йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг намояндалари келган эдилар. Равшанки, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари билан боғлиқ бўлмаган саволлар ҳам берилди. Бу тасодиф эмас. Кимлардир шу йўл билан «сиёсий обрў орттиришга» уринди. Хуллас, ҳар ким ўз мақсадини кўзлаб иш тутди. Аммо энг муҳими бунда эмас.

Туркия ва Ўзбекистон. Кўп миллионли аҳолиси бўлган бу давлатларнинг халқлари қийин даврда бир-бирларига қўл узатганлари бежиз эмас. Улар икки қардош мамлакат халқларининг гуллаб-яшнаши каби олижаноб мақсад йўлида мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар. Бундан бошқа йўл йўқ!

Журналистлар билан учрашувдан репортажни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбирлари Т. БОТИРБЕКОВ ва Л. ЛЕВИН олиб бордилар.

ТОШКЕНТДА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

● 28 апрель куни Тошкентда Туркия Республикасининг элчихонаси тантанали вазиятда очилди.



Туркия Республикасининг расмий делегацияси аъзолари тушган автомобиллар карвони Гоголь кўчасидаги шинам бино ёнига аниқ белгиланган вақтда етиб келди. Шу пайт бу ерда Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг намояндалари, журналистлар йиғилган эдилар. Бу воқеага қизиқиш ўринли. Иккала давлат ўртасидаги дўстона алоқалар сиёсий турмушдагина эмас, иқтисодиёт, ишбилармонлик, маданият соҳасида ҳам кенг кўламда ривож топди.

...Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл мувақкат минбарга чиқадилар.

— Тошкентда Туркия Республикаси элчихонасининг очилиши — тарихий воқеа, — деди ўз нутқида С. Демирэл. — Халқимизда шундай ишонч бор: ёмғир ёққан кун қутлуғ келади. Кўриб турибсизки, бугун табиатнинг ўзи бизнинг ишимизга хайрихоҳлик қилмоқда.

Туркия расмий делегациясининг бошлиғи ўзбек халқига бахт-саодат ва равнақ тилади.

— Бу воқеа иккала халқ тарихига абадий ёзилиб қолади, — деб таъкидлади ўз нутқида И. А. Каримов. — Республикамизнинг давлат мустақиллигини Туркия биринчи бўлиб тан олганини Ўзбекистонда яхши эслайдилар. Таниқли сиёсат арбоби Сулаймон Демирэл бошчилигидаги қардош мамлакатнинг расмий делегацияси Ўзбекистонда турган ҳозирги пайтда иккала давлат ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик янги омил касб этди. Давлатлараро муносабатларнинг турли соҳаларига тааллуқли бир қанча жуда муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ниҳоят, тантанали пайт бошланади. Қардош мамлакатнинг давлат мадҳи садолари остида С. Демирэл билан Туркия Республикасининг Тошкентдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур элчихона биноси тепасига Туркиянинг миллий байроғини кўтардилар.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: элчихонани тантанали очиш маросими.

Владимир Молчачев ва Рустам Шарипов суратлари.

МАҚСАД БИР БЎЛГАЧ

● Республика вазирликларининг вакиллари, банклар, концернлар ва қўшма корхоналарнинг раҳбарлари, ишбилармонлар 27 апрель куни Тошкентда маданият—ахборот марказида Туркиядан келган меҳмонлар билан учрашдилар.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов учрашувни очиб, турк дўстларни серқуёш Ўзбекистонга келишлари билан самимий табриклади. У иккала мамлакат ўртасида иқтисодиёт ва маданият соҳасида мустаҳкам муносабатлар ўрнатилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Республика вазирликлари, банклар, концернлар, қўшма корхоналар раҳбарлари ишлари ҳамда амалга оширадиган режалари ҳақида туркиялик касбдошлари билан маслаҳатлашдилар.

(ЎзА).

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

Туркия Республикасининг Бош вазири Сулаймон Демирэл бошчилигидаги расмий делегация аъзолари 28 апрель куни Тошкентдан Бишкекка жўнаб кетишди.

Бош вазир учиш олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашиб, Тошкент учрашувидан кўзда тутилган мақсадга эришилганини айтди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэлни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов, Республика Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур ҳам бор эди.

(ЎзА).

• Вилоят ҳокимлигида •

ҚАЙСАРИЛИК МЕҲМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик ва тенгҳуқуқлилик икки дўст давлат алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Ана шу муносабат билан шу йилнинг январь ойида Қайсари вилояти губернаторининг таклифига биноан Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев бошчилик қилган делегация аъзолари Туркия давлатида бир ҳафта бўлиб, раҳбарлар, савдо-сотиқ доираларининг вакиллари билан учрашувлар ўтказиб қайтган эдилар.

Сафар давомида делегация аъзолари қайсарилик ишбилармонлар, саноатчи-тижоратчиларни юртимизга таклиф этишганди. Ана шу таклифга биноан юртимизга ташриф буюрган қайсарилик биродарларимиз вилоятимиз шаҳар ва районлари ҳаёти, йирик саноат корхоналари, савдо ва иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар, қўшма корхоналар ташкил этиш билан танишмоқдалар. Куни кеча туркиялик азиз меҳмонлар вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, шаҳар ва районлар ҳокимлари билан учрашдилар. Дўстона ва самимий ўтган мулоқотни вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев олиб борди.

— Бозор иқтисодиётининг энг асосий хусусияти ишбилармонлик ва тадбиркорликдир, — дейди Сайфулла Давирович. — Эндигина оёққа туриб қад ростлаётган республикамиз, шу жумладан бизнинг вилоятимиз ҳам дўст мамлакатлардаги тижоратчилар, тадбиркорларнинг кўмакларига муҳтож. Ўйлаймизки, биз иккала томон учун ҳам фойдали ва манфаатли аҳдлашувларга эришамиз.

Шундан сўнг вилоят ҳокими бир қатор таклифларни ўртага ташлади. Ўз навбатида қайсарилик ишбилармонлар ҳам самарали ҳамкорликка доир ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар. Улар, айниқса, ўзлари танишган саноат корхоналарининг аксарияти йириклиги, уларда минглаб кишилар ишлаши, иш юритишнинг бундай усули эса фойда бермаслиги, ҳеч қўрқмай кичик-кичик ёҳуд хусусий саноат корхоналарини очиш фойдали эканлигини айтдилар.

Мана бир неча кундирки, биз Тошкент вилояти ҳаёти, иқтисодиёти ва имкониятлари билан танишмоқдамиз, — деди қайсарилик йирик тижоратчи Олгун Махине Санайи фирмаси директори Аҳмад Олгунхарпулу, — Ҳар бир кунимиздан имкон қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки бизга бу ерга меҳмондорчилик, сайру-саёҳат учун келганимиз йўқ. Режамиз — иккала томон учун ҳам манфаатли шартномалар тузиш ва ана шу асосда тезда ишларни бошлаб юбориш. Иншоолло, тез орада ҳамкорлигимиз ўз меваларини бериб, мақсадимизга эришамиз.

Туркиялик меҳмонлар вилоятимизнинг бир неча шаҳар ва районларида бўладилар.

З. ЖУРАЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА РЕСПУБЛИКА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нархлар ошиб бораётган шароитда вақтли матбуотнинг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларнинг ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва республика фуқароларининг ҳар томонлама ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида:

1. 1992 йилда вақтли матбуот ва бошқа оммавий ахборот органларининг фаолияти билан боғлиқ қиммат лашиб бораётган харажатларни қоплашга республика бюджетидан 100 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилсин. Келгусида республика бюджетида ана шу мақсадларга маблағ ажратишни кўзда тутиш зарур деб топилсин.

Бош вазир ўринбосари ўртоқ Э. С. Самандаров, давлат маслаҳатчиси Б. А. Назаров, республика рўзномалари ва ойномаларининг бош муҳаррирларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг, «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Алоқа вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бош солиқ бошқармасининг вакиллари дан иборат комиссияга ташкилий масалаларни кўриб чиқиб, вақтли нашрларни чиқариш харажатлари қиммат лашганлигини қоплаш учун ажратилган маблағ доирасида оммавий ахборот воситаларига маблағ ажратишнинг аниқ миқдорини белгилаш топширилсин.

2. Комиссия (ўртоқ Э. С. Самандаров) бир ҳафта муддат ичида қуйидаги масалаларни ўрганиб, улар юзасидан таклифлар тайёрласин:

республиканинг вақтли нашрларини ва давлат китоб нашриётларини, рўзномалар, ойномалар, дарсликларни ҳамда болалар адабиётини босиб чиқариш учун зарур бўлган босма қоғоз навлари, картон, муқовабоп материаллар ва бошқа материаллар билан таъминлаш,

рўзнома ва ойномаларнинг муҳарририятларини, босмахоналар ва китоб савдоси корхоналарини, Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясини ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигини қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш ҳамда вақтли нашрларни, дарсликлар ва болалар адабиётини босиб чиқариш ҳамда сотишдан тушадиган даромадларга имтиёзли солиқ белгилаш. Таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига тақдим этилсин;

Оммавий ахборот воситалари учун уларнинг асосий фаолияти доирасида бинолларнинг ижара ҳақини тўлашга имтиёзли тарифлар белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат матбуот комитетига, Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ва «Шарқ» концернига машина-ускуналар, техника ҳамда телерадио аппаратлар сотиб олиш учун эркин муомаладаги валюта ажратиш.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари маҳаллий матбуот, телевидение ва радиони пул билан ва моддий-техникавий воситалар билан таъминлашни, шу жумладан бюджетга кирмайдиган ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан таъминлашни янада яхшилаш масалаларини кўриб чиқсинлар.

4. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси тизими, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг марказий аппарати, унинг вилоят бошқармалари, район, шаҳар ва вилоят рўзномаларининг муҳарририятлари, шунингдек, республика рўзнома ва ойномалари муҳарририятлари ходимларининг маисаб окладлари ва маошлари 1992 йилнинг 1 майидан ўрта ҳисобда 50 фоиз оширилсин.

5. Адабиёт, санъат ва журналистика соҳасида муаллифлик ҳақининг миқдорларини 2 баравар ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 апреллдаги 158-сон қарорининг амал қилиши Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги тизими ходимларига жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида мазкур Фармон бажарилишини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармон рўёбга чиқарилишини назорат қилиш Э. С. Самандаров, Б. А. Назаров ўртоқлар зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 апрель.

СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛ — ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

Тошкент шаҳри ҳокимияти қарори билан Туркия Бош вазири жаноб Сулаймон Демирэлга турк ва ўзбек халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси учун Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси (ватандоши) унвони берилди, шаҳар ҳокими А. Фозилбеков унга пойтахтнинг рамзий калитини топширди.

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ҚИРҒИЗИСТОНГА КЕЛДИ

БЕШКЕК, 28 апрель. (КиргизТАГ — ТАСС мухбири Альберт Богданов). Туркия Республикасининг Бош вазири Сулаймон Демирэл жаноблари бугун Қирғизистонга келди. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва унинг рафиқаси, ҳукумат аъзолари «Манас» тайёрагоҳида ўрнатилган ўтовда уни нон-туз, гуллар, хушбўй чой билан кутиб олдилар.

Делегация таркибида 200 дан ортиқ киши бор. Туркия Республикаси парламентининг аъзолари, вазирлар, ишбилармонлар Қирғизистон Олий Кенгашида суҳбатлар ўтказишади, Қирғизистон — Туркия ишбилармонлик кенгашининг қўшма мажлисида қатнашадилар, вазирликлар ва комитетларда бўладилар. Бош вазир Сулаймон Демирэлнинг Президент Асқар Акаев билан суҳбатидан, Қирғизистон Республикасининг Бош вазири Турсунбек Чингишев билан музокараларидан кейин ўзаро муносабатлари тўғрисидаги протоколлар имзоланади.

АХБОРОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши ижроия бюросининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тўртинчи пленумининг материаллари муҳокамасига якун ясалди. Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Оҳангарон ва Паркент районлари кенгашларининг партия ташкилотлари таркибини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, партия сафларининг сонини ўстиришга оид масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, вилоят партия кенгашининг ички ҳаётига оид бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ижроия бюро йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва районлар кенгашларининг биринчи котиблари қатнашдилар.

ДИЛИМИЗ БИР, ТИЛИМИЗ БИР

Илгари хабар қилганимиздек, Узбекистонга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл бошчилигидаги делегация 27 апрель куни Тошкентда Узбекистон парламенти аъзолари билан учрашди. Самимий вазиятда ўтган бу учрашувда Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Туркия Бош вазири С. Демирэл нутқ сўзладилар. Қуйида ана шу нутқларнинг баёни эълон қилинади.

Узбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл жаноби олийларига, Туркиялик азиз дўстлар ва қардошларга мурожаат қилиб, бундай деди: Умид қиламизки, турк биродарларимизнинг қадамлари қутлуғ бўлажак ва бу мўътабар зиёрат натижалари мустақил Узбекистон учун кенг ва ёруғ уфқларни очажак.

Одатда улуғ дўстлар ташриф буюрган уйга барча қонқардошлар, юртнинг энг ҳурматли одамлари узоқ яқиндан келишади. Бугунги катта мажлисимизга Узбекистоннинг барча вилоят ва районларидан ҳокимлар, халқ ноиблари, зиёлилар, ишбилармонлар, ёзувчи ва журналистлар, хуллас, Узбек миллатининг энг мўътабар вакиллари етиб келишди. Бу анжуманда Узбек миллати келажагини ўйлайдиган ва бу келажакни турк миллати билан дўстликсиз тасаввур этолмайдиган инсонлар тўпланишган.

Қариндошларнинг суҳбати доимо самимий бўлади. Улар бир-бирларига ёлғон илтифот қилмайдилар. Қариндошлар учун сохта хушомад тамомила бегона. Улар бир-бирларига ҳақиқатни айтадилар.

Шундай экан, биз жаноб Демирэл ва у бошлиқ Туркия жумҳурияти вакилларининг зиёратидан қанчалик хурсанд ва мамнун эканлигимизни таърифлашга эҳтиёж қолмайди. Энг ноёб сўзлар ҳам кўнглимиздаги самимий муҳаббат ва иззат-икром туйғуларини ифода этишга ожизлик қилади.

Тилимиз бир, дилимиз бир, динимиз бир. Бошқа сўзлар бутунлай ортиқча.

Узбекистон неча юз йиллардан бери орзу қилган истиқлолга эришди. Юртимиз тепасида озодлик байроғи кўтарилди.

Бизнинг асрий орзуларимиз амалга ошганида Узбекистон истиқлолини худди ўз истиқлоли каби қабул қилган ким? **ТУРКИЯ!** Ким бизнинг эндигина оёққа тураётган чақалоқ давлатимизни биринчи бўлиб расман тан олди? Туркия! **Ким биз** оғир иқтисодий аҳволдан чиқаётган пайтимизда биринчи бўлиб мадад қўлини чўзди? Туркия! **БИЗ,** ўзбеклар буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Мустақиллик йўлига ўтиб, биз кимга ва қайси давлатга умид боғладик? Албатта, **ТУРКИЯГА!** Орадаги қондошлик, қариндошлик ишлари неча асрлар айриликда яшаган бўлмайлик, узилмаган экан. Кўнгил кўнгилдан сув ичар экан.

Мустақиллик йўли — оғир йўл. Мустақиллик йўлидан юришнинг ўзи бўлмайди. Бир ярим асрча бегоналарга қарам бўлиб, бегоналарнинг йўлидан юришга мажбур бўлиб, эндиликда бирданига қадни ростлаб, дадил қадамлар ташлаб кетиш осон эмас.

Мустақилликнинг дастлабки даврида кўпчилик ёш давлатлар **ЁЛҒИЗЛИК** азобини бошдан кечирганлар. Биз эса, мен бугун шу сўзларни алоҳида мамнуният билан айтаман, биринчи кунларданоқ қардош Туркиянинг ўзимиз билан ҳамнафас эканлигини сезиб турдик.

Халқаро алоқалар, хусусан, иқтисодий алоқалар жуда мураккабдир. Биз истиқлолга эришгач, мустақил давлат вакиллари сифатида биринчи марта Туркияни зиёрат қилдик. Бу жуда тўғри иш бўлди. Туркия жумҳурияти Президенти қадрдонимиз Турғут Ўзол билан ва шахсан сиз билан, жаноб Бош вазир, қилган суҳбатларимиз, музокараларимиз ҳамон ёдимиздадир. Биз илк дақиқалардан бошлаб, ўз биродарларимиз билан гаплашаётганимизни ҳис этдик.

Ўша ҳиссиёт бугун ҳам қалбимизни ёритиб турибди, деб уқтирди Президент. Биз Узбекистон келажакда буюк давлат бўлишига ишонамиз. Ер устидаги ва остидаги бойликларимиз халқимизнинг ўнлаб ва юзлаб авлодларини боқишга, бой қилишга бемалол етади.

Биз бугун гувоҳ бўлиб турган оғир иқтисодий аҳвол ўткинчи ҳолдир. Бизга бегараз ёрдам, дўстлар маслаҳати керак. Узбекистон билан тенг туриб, ҳалоллик ва ўзаро манфаатдорлик билан иш юритадиган давлатлар асло ютқазмайди.

Туркиянинг бизга нисбатан ҳалол ва дўстона муносабатини жуда яхши англаб турибмиз ва шунга муносиб бўлишга тайёрмиз. Биз ўз дўстларимиз учун энг қулай шарт-шароит ва имтиёзлар яратиб беришга ҳам шаймиз.

Узбекистоннинг маънавий потенциали ҳам жуда катта. Бизда илмга, ҳунар ўрганишга ташна йигит-қизлар беҳисоб. Уларга фан ва ҳунар, тижорат ва биржа сирларини ўрганишда бераётган ёрдамлари учун турк биродарларимизга яна бир бор ташаккур айтамиз.

Сўнгра, Узбекистон Республикаси Президенти Туркия Бош вазирига мурожаат қилиб, қуйидагиларни айтди: Сиз Узбекистонга илгари ҳам келгансиз. Аммо бу галги зиёратингиз бошқача кайфиятда ўтмоқда. Сизга аввал ҳам буюк ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишгани аниқ. Лекин ўтмишдаги ўша учрашувларда ўзбек биродарларингизнинг кўнгиллари ярим эди, қалблари кемтик эди. **Уларга дунёдаги энг улуғ туйғу** — мустақиллик туйғуси етишмас эди.

Бугун эса худди шу туйғу Узбекистон давлатининг жажжи ўғил-қизларидан тортиб, токи қариялари қалбини ҳам ёритиб турибди.

Истиқлол не эканлигини буюк Мустафо Камол Отатурк авлодлари жуда яхши биладилар!

Истиқлол армони не эканлигини неча асрлар темир исканжада яшаган Узбекистон халқи жуда яхши билади!

Мустақил Узбекистон заминига хуш келибсиз, муҳтарам Демирэл жаноблари!

Сўз Туркия Бош Вазири Сулаймон Демирэл жаноби олийларига берилади.

— Аввало, Туркия делегациясига кўрсатилган иззат-икром ва ҳурмат-эътибор учун Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, ҳукумат аъзоларига, ўзбек халқига самимий ташаккуримни айтмоқчиман. Ватаним шаънига, турк халқи шаънига айтилган хайрли гаплар учун ҳам ғоят миннатдорман. Менга Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси (ватандошқ) унвони берилиши ҳамда азим пойтахтнинг рамзий калити топширилиши ҳам каминани ҳаяжонга солди. Тошкент давлат дорилфунунининг фахрий профессори унвонига сазовор бўлганимдан беҳад хурсандман. Дорилфунун олимлари ва ректорига миннатдорчилигимни изҳор қиламан, деди Бош вазир. Айни вақтда ўзбек халқига Туркия аҳлининг қизғин саломини етказишдан бахтиёрман. Биз сизнинг иқтисодий оғир шароитдаги юмушларингиздан хабардормиз ва сизга муваффақият тилаймиз.

Туркия ўз мустақиллиги учун курашаётган кезларда биз ўзбек халқининг маънавий мададидан баҳра олдик. Эндиликда Узбекистон мустақилликка эришган даврда биз ҳам сизга ёрдам беришга шай бўлиб турибмиз, амалий ишларни ҳам бошлаб юбордик. Муштарак тарих ва маданиятимиз илдиз отган ана шу кўҳна замин тупроғи сиз қатори биз учун ҳам муқаддасдир. Туркистонни биз ота юртимиз деб биламиз.

Биз Хўжа Аҳмад Яссавий ва Жалолиддин Румий сингари буюк алломаларнинг бебаҳо мероси ва руҳий олами ворисларимиз. Шу боисдан ҳам тилимиз тилимизга, дилимиз дилимизга вобастадир.

Биз Гўрўғли достонларини ўқиб улғайганмиз. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Фузулий сингари зотлар тилимизнинг меъморларидир. Муносабатларимиздаги ҳозирги янги даврда биз ана шу маънавий заминга суянамиз. Муҳтарам қардошим Ислом Каримов ҳозиргина таъкидлаганидек, «тилимиз бир, қалбимиз бир, динимиз бирдир».

Узбекистон узра озодлик байроғи кўтарилганидан биз ҳурсандмиз, деб уқтирди Бош вазир. Биз қардош халқ озодлигини олқишлаш билан бир қаторда бутун дунёдаги халқларнинг эркини ҳам олқишлайдиган халқмиз.

Узбекистон улуғ, табаррук ўлкадир. Узбек халқи буюк миллатдир. Узбек қардошларимиз ишбилармон, меҳнатсевар халқдир.

Туркия Бош вазири нутқини давом эттириб, яна бундай деди: Узбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлишида Туркия жонбозлик кўрсатди. Биз буни зиммамиздаги вазифа, қутлуғ юмуш деб билдик.

Мустақилликка эришган Узбекистонни сиз, қардошлар, ўзингиз бошқарасиз албатта. Биз эса сизнинг саъйи ҳаракатингиз баракали бўлишини тилаймиз. Туғишган оға-ини сифатида сизга шуни айтгимиз келади. Назаримда, сиз танлаган йўл энг тўғри йўлдир.

Ҳозир сиз демократия ва эркинликка суянадиган системага ўтяпсиз. Демократик қадриятлар — миллатнинг сарвати, инсоннинг шаъни-шавкатидир. Халқ хўжалигини замонавий поғонага кўтариш учун бозор иқтисодиётига ўтиш шарт. Тўғри, бу йўлда қийинчиликлар, мушкулотлар бўлади. Кўнгилдаги эзгу умид билан олға одимлаб бораверишингиз зарурдир. Биз улуғ сафарга чиққан ўзбек халқи билан ҳамиша ёнма-ён, елкадош бўламиз, сизни сира-сира ёлғиз қолдирмаймиз.

Алломамиз Юнус Имро айтганларидек, тоғ қанча баланд бўлса ҳам, лекин уни ошиб ўтса бўлади, бунинг учун тўғри йўл танланса бас. Дарҳақиқат, ҳикматли гап. Халқ ва давлат бир ёқадан бош чиқарса, баҳамжиҳат бўлса, демократик қонун-қоидаларга амал қилса, ҳар қандай мушкул ҳам осон бўлади.

Кейинги ойлар мобайнида Туркия билан Узбекистон ўртасида энергетика, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият соҳасида битимлар имзоланди. Туркия парламенти, ҳукуматимиз, ишбилармонларимиз, дорилфунунлар ана шу битимларнинг рўёбга чиқиши учун ғайрат билан ишламоқдалар. Эзгу мақсадимиз фойда кўриш эмас, қардош ўзбек халқига ёрдам беришдир.

Сулаймон Демирэл нутқи якунида Узбекистон меҳнаткашларига бахт-саодат, улуғ ишларида омад тилади.

Узбекистон Миллий ахборот агентлиги

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

ТЕЛОВ қишлоғи Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари ўртасида жойлашган. Унда минглаб аҳоли истиқомат қилади. Бундан бир неча йил муқаддам қишлоқ меҳнаткашларининг нон билан таъминлашда узилиш ҳоллари юз берарди. Чунки, бундай озиқ-овқат маҳсулоти бошқа шаҳарлардан келтириларди. Шуни ҳисобга олиб Теловнинг ўзида нон заводини ташкил қилиш фикри пайдо бўлди. Кўп ўтмай, бу ерда нон ишлаб чиқарувчи ширкат корхонасини барпо этишга киришилди. Унинг ташаббускори Акром Қўшназаров бўлди.

Бунинг учун давлатдан 81 минг сўм қарз олинди. Орадан тўққиз ой ўтгач, дастлабки нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунга ҳам тўрт йилдан ошди. Ҳар куни тонналаб буханка ва оби нонлар савдо шахобчаларига етказиб берилмоқда.

Корхона жамоаси маҳсулот турларини кўпайтириш йўлидан ҳам бормоқда. Ҳозир бу ерда макарон цехи барпо этилаяпти. Ҳадемай, у фойдаланишга топширилади. Натижада қишлоқ меҳнаткашлари эҳтиёжлари учун ҳар ойда беш тоннагача шундай озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериладиган бўлади.

Новвойлар олинган фойданинг муайян қисмини турли хил хайрли ишларга ҳам сарфлашяпти. Улар Телов қишлоғида масжид қурилишига каттагина маблағ бердилар. Наврўз жамғармасига 2,5 минг сўм пул ўтказишди. Хўжаликдаги 2 та болалар боғчасига ҳар куни текин нон маҳсулотлари бериб борилмоқда.

Ҳозир корхонада 55 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасидан ўз касбининг моҳирлари ҳам етишиб чиқди. Уста новвойлар Феруза Исроилова, Маҳфуза Ҳайдаровалар шулар жумласидандир. Жамоа улар меҳнати самарасидан мамнун бўлмоқда.

О. ХУШНАЗАРЗОДА.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ИККИНЧИ ТУР ҲАЛ ҚИЛАДИ

● **ЎТГАН якшанба куни Австрия федерал президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Лекин, ғолиб аниқланмади. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 5,5 миллион австрияликдан бир миллионга яқини овоз беришда иштирок этмади. Номзодлардан, шу тариқа, биронтаси ҳам мутлақ кўпчилик овоз ола олмади. Шу боис, сайловларнинг иккинчи босқичи 24 майда ўтади, деб белгиланди. Социал демократик партиядан президентликка номзод Рудольф Штрайхер билан Австрия халқ партияси номзоди Томас Клестиллар курашни давом эттирадилар. Улар бўлиб ўтган биринчи босқичда тегишли 40,7 ҳамда 37,2 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган эдилар.**

ОТИШМАЛАР ТУХТАДИ

● **Мана, уч кундирки, Босния ҳамда Герцеговина пойтахти Сараево шаҳрида тўп гумбурлашлари ҳамда автомат овозлари эшитилмай қолди. Шанба ва якшанба кунлари жуда кўп аҳоли Пасха байрамини нишонлаш учун бу ерга келдилар. Ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишига қараганда, Мостар ва Чаплин ноҳияларида ҳам отишмалар тўхтади. Шарҳчиларнинг фикри иккига бўлинди: баъзилар қуролли тўқнашувлар байрам туфайли тўхтади, деб ёзаётган бўлсалар, баъзилар бу —Югославиядаги қон тўкишларни тўхтатишда воситачилик қилаётган Вэнс ҳамда Каррингтонлар сафарининг натижаси, деб ҳисобламоқдалар. Қандай бўлганда ҳам жаҳондаги афкор омма Югославияда барқарор тинчлик ўрнатилишини кўпдан бери кутмоқда.**

● — «ГАСТАРБАЙТЕР» — ҳорижий мамлакатлардан Германия Федератив Жумҳуриятига келиб ишлаётган кишилар шундай деб аталадилар. Германиянинг ўзида уй-жой танқислиги кўпайиб бораётганлиги, жиноятчиликнинг кучаяётганлиги туфайли ГФЖ фуқаролари чет эллиқларга ончалик рўйхушлик билдирмаётирлар. Шу боис мухожирлар жуда қийин шароитларда яшашга мажбур бўлмоқдалар. Суратда тасвирланган руминиялик лўли аёл ва унинг атрофидаги албан болалари Грейфсвальддаги собиқ умумий ётоқхонада бир йилдан буён истиқомат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ерда Руминия, Болгария, Афғонистон, Югославия ва Зоирдан келган 125 нафар киши яшамоқда.

ДПА—ИТАР—ТАСС сурати.

КОБУЛДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

● **ЯКШАНБА** куни эрталаб Пешавар шаҳрида таъсис этилган 50 нафар мужоҳидлар раҳбарларидан ташкил топган С. Мажиддин бошлиқ Кенгаш Афғонистон пойтахти Кобулга келиши кутилмоқда эди. Келишилган режа бўйича улар ҳокимиятни қабул қилиб олишлари кутилган эди. Шу орада нуфузли қўмондонлардан бири, кейинги кунларда мудофаа вазири этиб тайинланган Аҳмад Шоҳ Масъуд ҳам Пешаварга хабар қилиб, йўлга чиқиш мумкинлигини айтди.

Аммо дафъатан Кобулда отишмалар бошланиб кетди. Ким ким томонда эканлигини билиш қийин эди. Душанба куни эрталаб Афғонистон пойтахти амалда иккига бўлиниб қолганлиги маълум бўлди. «Афғонистон Ислом партияси» раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр қисмлари ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа муҳим биноларни ишғол қилиб олган эдилар. Устига устак Кобул тайёрагоҳига олиб борадиган барча йўлларни тўсиб қўйган эдилар. Шу тариқа у Пешаварда тузилган кенгаш раиси Сибғатулло Мажиддиннинг Кобулга келишига йўл қўймаслик чораларини кўрган бўлиб чиқди. Устига устак Г. Ҳикматёр ҳар қандай ҳарбий ва фуқаролар тайёралари урриб туширилсин, деб фармойиш берди.

Сиғбатулло Мажиддин ҳам анойилардан эмас. Рейтер ахборот агентлигининг хабарига қараганда, у ўзининг барча аъёнлари билан машиналарда Кобул томон йўл олди. 400 километрлик масофани у 12 соат ичида босиб ўтишга қарор қилган эди. Яқин кунлардаги воқеалар қайси томонга оғишини ҳозирча ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди. Теҳронда турган БМТ Бош котиби Бутрос Гали барча томонларни зудлик билан отишмаларни тўхтатишга чақирди.

Чоршанба куни эса турли ахборот агентликлари С. Мажиддиннинг Кобулга келганлигини хабар қилди.

АҚШ ТАЙЁРАСИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

● **ПЕРУНИНГ** икки қирувчи тайёраси Америка Қўшма Штатлари ҳарбий ҳаво кучларининг Панамадаги қароргоҳига қайтиб келаётган тайёрасини дафъатан ўққа тутдилар. Бу воқеа Юқори Уалага дарёси воҳаси устида бўлиб ўтди. Фазодаги отишма натижасида Американинг икки ҳарбий хизматчиси жароҳат олди. Перу манбаъларининг маълумотларига қараганда, АҚШ тайёраси ҳаво чегараларини бузиб ўтган ва ташқарисида махсус белгиларга эга бўлмаган.

ДАФЪАТАН — ИСТЕЪФОГА

● **БИР ОЙ** муқаддам ўзининг олтмиш беш йиллигини тантанали равишда нишонлаган Германия Федератив Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Г.- Д. Геншер дафъатан истеъфога чиқажаклигини эълон қилди. Дунёдаги энг «эски» ташқи ишлар вазирларидан бири бўлган бу арбобнинг истеъфо нима учун чиқаётганлиги очиқ-ойдин айтилмади.

КАЛИФОРНИЯДА ЗИЛЗИЛА

● **АҚШнинг** Калифорния штати шимолий районларида кучли зилзила содир бўлди. Унинг кучи Рихтер жадвали бўйича 6—6,5 баллга етди. Ер қимирлаш маркази Юрика шаҳридан 55 километр узоқликдаги жойда, деб ҳисобламоқдалар. Рейтер ахборот агентлиги хабарига қараганда, зилзила натижасида 50 миллион долларлик зарар етказилган.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

РЎЗНОМАГА КЕЛГАН ХАТ ВА ЖАВОБЛАРДАН

«ШИРИНТОЙ», АҲВОЛ ҚАЛАЙ?

«Ҳурматли муҳарририят ходимлари! Мен шу йил бошидан чоп этилиши лозим бўлган «Ширинтой» ойномасига обуна бўлган эдим. Мана, йилнинг тўртинчи ойи ҳам ўтяптики, ойномадан ҳамон дарак йўқ. Ёки чоп этилмаяптими? Мени унинг тақдири қизиқтирмоқда».

Ҳ. ОТАҚУЛОВ,
Бекобод район.

Муҳарририятимизга келган ушбу хатга жавоб беришни «Ширинтой» ойномасининг бош муҳаррири Сулаймон Раҳмондан илтимос қилдик.

— Ҳеч кимга сир эмаски, кейинги пайтларда қоғоз тақчиллиги кўпгина нашрларга таҳдид солмоқда. Бу ҳолат бизни янгидан ташкил этилган «Ширинтой» ойномамизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Шу ўринда ойномамизга умид билан обуна бўлган ўқувчилардан кечирим сўрайман. Лекин биз имконият даражасида ҳаракат қилдик. Эрта-индин «Ширинтой» ойномасининг дастлабки сони босмадан чиқади. Бир ҳафта ичида эса ўқувчилар қўлига етиб боради. Лекин...

Юқорида айтиб ўтганимдек, қоғоз, нашрга кетадиган турли сарф-ҳаражатлар ниҳоятда ошиб кетганлиги натижасида ойномамизнинг биргина дастлабки сонининг баҳоси 4 сўм 20 тийинни ташкил этди. Ваҳоланки, бу бир йиллик нашрнинг баҳосидир. Биз ойнома нархини туширишимиз учун турли йўлларни қидиряпмиз. Ўқувчилар дастлабки ойнома сонини қўлларига олгандан сўнг биз йилнинг иккинчи ярмига обуна эълон қиламиз. Ярим йиллик обуна баҳоси 30 сўм. Шу ўринда ўқувчилардан яна бир бор узр сўраймиз. Улар бизни тўғри тушуниб, обуна баҳосидан ранжимасликларини хоҳлардик. Начора кўпга келган «тўй». Бу кунлар ҳам ўтиб кетар.

ХОҲЛАГАН ИМКОНИЯТ ҚИДИРАДИ

Ҳурматли муҳарририят ходимлари! Масла́ҳатлашиб, охири сизга мактуб йўллашга аҳд қилдик. Тошкент районининг ҳудудидаги 1-ўрта мактабнинг орқа томонидан катта зовур оқиб ўтади. Унинг атрофида эса 30 га яқин хонадон истиқомат қилади. Шулардан айниқса, ўнга яқини қиш фаслида қаттиқ қийналади. Чунки зовур кўп йиллардан буён тозаланмайди. Натижада сув димланиб, секин оқади. Бунинг оқибатида ушбу хонадонларнинг ертўлалари захлаб, пойдеворларига нам тепиб ётади. Дарахт экишса, уч-тўрт йилда қурийди. Қорёмғир ёққанда эса асли сўраманг. Мотори борлар сувни тезроқ чиқариб ташлашади. Қолганлар сувни челаклаб ташқарига ташийдилар.

Зовурни илгари район ҳудудидаги сабзавотчилик институтининг ишчилари тозалаб туришарди. Кейинчалик хонадонларнинг ўзлари пул тўплаб, бир-икки марта тозалашди ҳам. Айни пайтда эса зовурни тозалаш учун экскаватор ҳам топилмаяпти. Биз бу ҳақдаги арзимизни айтиб, Киров номли қишлоқ Шўросининг раиси Маҳмуд Орифжоновга ва унинг ўринбосарига қатнайвериб чарчадик. Ваъда беришдан нарига ўтмаяпти. Бизни арзимизни тинглаб, оғиримизни енгил қиладиганлар топилмаса. Ахир айтадиларку; кимда хоҳиш бўлса имконият қидиради, йўқса баҳона деб. Наҳотки бу борада имконият қидиришнинг иложи бўлмаса.

Бир гуруҳ аҳоли номидан
Р. ТИЛЛАЕВ,
Ш. ҲОШИМОВ,
Ҳ. ОБИДОВлар.

ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ҚАНЧА БЎЛАДИ?

Муҳарририятимизга ҳар куни вилоятимизнинг турли жойларидан ҳар хил мазмунда мактублар келиб турибди. Мана бу мактуб эса Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи М. Жумановдан.

— «1953 йилдан бошлаб жамоа хўжалигининг фермасида меҳнат қилдим. 1988 йил пенсияга чиқдим. Баъзи оилавий шароитларга кўра 1991 йилнинг декабрь ойигача ишладим. Турмуш ўртоғим Хуринисо Жуманова ҳам 1953 йилдан буён мазкур фермада сут соғувчи бўлиб ишлади. Ҳамкасблари уни 1988 йилдан пенсияга кузатишди. Хуллас, мен 38, турмуш ўртоғим эса 34 йиллик меҳнат стажига эгамиз. Ҳозирги кунда эса 350 сўмдан пенсия оляпмиз. Бу кам эмасми?

Ушбу мактубга муносабатларини билдириш учун Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига мурожаат қилган эдик. У ердан бошлиқ ўринбосари В. Арутюнян имзоси билан олинган жавоб хатида таъкидланишича, Узбекистон Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги фармонига кўра 1992 йил 1 январдан меҳнат стажи тўла бўлса, энг кам пенсия 350 сўм қилиб, шунингдек Президентининг 1992 йил 26 мартдаги фармони бўйича эса ҳар ойда тўланадиган пенсия миқдори шу йилнинг 16 мартидан 550 сўм қилиб белгиланди.

МИЛЛИЙ БОҒ: ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

МЕҲНАТКАШЛАР ХИЗМАТИДА

ЯНГИОБОД шаҳридаги бу автокорхона жамоаси хайрли ишни бажармоқда. Турли миллатга мансуб бўлган юзлаб ҳайдовчилар меҳнаткашлар хизматида бўлиб, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишмоқда. Янгиобод билан вилоятдаги ўнлаб шаҳарлар ва ноҳиялар ўртасида йўловчилар тўла автобуслари бошқармоқдалар, ҳар куни минглаб километр йўл босишяпти.

Корхона жамоаси йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Янги автобусларни сотиб олиш мушкул бўлиб қолган ҳозирги вақтда мавжудларининг ҳар доим шай ҳолда бўлишига алоҳида эътибор берилянти. Шу мақсадда корхонада тузатиш ишлари ҳажми кенгайди. Айрим қисмлар шу ернинг ўзида тайёрлана бошланди.

Бундан бир қанча вақт илгари Янгиобод-Ангрен шаҳарлари ўртасида автобус қатнови бирмунча сусайганлигидан норозилик хатлари кела бошлаган эди. Маъмурият бунга дарров қулоқ солди. Натижада энг серқатнов бу маршрутга қўшимча автобуслар чиқарияпти. Шу кунларда машиналар ҳар 12—15 дақиқа оралиғида қатнаб турипти. Бунинг учун 8 та автобус ажратилди.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон ноҳияларининг гўзал табиати, хилма хил жониворлар, турли-туман паррандалар олами қадимқадимлардан кишиларни ўзига мафтун қилиб келган. Бир вақтлар битмас-туганмасдек туюлган бундай табиий бойликлар эндиликда оёқ ости қилинмоқда, келажакни ўйламай уларга қирон келтирилмоқда. Бундан бир аср ҳам эмас, балки элликолтмиш йил олдинги қиёфаси ҳам кун сайин путурдан кетмоқда, ҳар томонлама қашшоқлашиб - камбағаллашяпти. Маҳаллий аҳоли у ёқда турсин, асосан дам олиш, ҳордиқ чиқариш баҳосида бу ерга ташриф буюргаилар кўпинча ҳеч қандай рухсат олмаган ҳолда жониворо паррандаларни ов қилмоқдалар, ноёб шифобахш ўсимликларни теріб олиб, уларнинг янада камайиб кетишига сабабчи бўлмоқдалар.

Бундай аҳвол давом этаверса оқибати ниҳоятда ҳунук бўлиши эндиликда маълум бўлиб қолди. Шунинг учун унинг олдини олиш зарурати туғилди. Ушбу уч ноҳия тоғолди ва тоғлик ҳудудларида Ўгам-Чотқол давлат миллий табиат боғини барпо этишга қарор қилинди. Шу кунларда уни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар жадал амалга оширилянти. Ташкилий юмушлар охирига яқинлашмоқда.

Миллий боғ бошқарувни ҳузурида бошқа бўлинмалар қаторида давлат назоратчилари мансаблари ҳам таъсис қилинди. Уларнинг асосий вазифаси миллий боғ ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш ишларига, бунда қонун-қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш, уларга амал қилмаётганларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш ҳамда бошқа шу каби кўпдан-кўп юмушлар билан шуғулланишдир.

Шуниси диққатга сазоворки, давлат назоратчилари ҳозирданоқ ўз вазифаларини бажаришни астойдил бошлаб юбордилар. Жойларда бўлиб, табиатга зарар келтираётган ҳолатларни фош қилишяпти. Уларнинг ғайрати билан қонунсиз равишда яъни тегишли идоралардан ҳеч қандай рухсат олмасдан ўтин тайёрлаш, балиқ овлаш, ёввойи ва доривор ўсимликларни, гулларни теріш каби ўзбошимчаликларнинг олди олина бошланди. Вақти-вақти билан текширишлар уюштириш назоратчиларнинг иш услуби бўлиб қолдики, бу ҳозирданоқ яхши самара бера бошлади. Бирмунча номаъқулчиликлар аниқланиб, бартараф этилди.

Яқинда ўтказилган текшириш ҳақида бироз тўхтаб ўтиш мумкин. Бундан бир муддат олдин Оқсоқота сойида кўтарма тўсиқ ўрнатилиши ҳақида ёки вилоят ҳокимликларининг қарори асосида амалга оширилиши мумкин эди. Аслида эса бундай расмий қарор ёки кўрсатма умуман йўқ. Бу ерда ҳеч қанчалик ҳужжат ва расмий ҳужжат ҳам йўқлиги, ҳеч ким ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

ЁДНОМА

КЎК ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР

Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралардан

Шобарот КУЗАНБОЕВ, кекса журналист.

ТАНИШУВ

УРУШ бошланган кун хотирамда. Ўша машъум оловли тонгда мен «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг якшанба сонини чиқариш учун босмахонада навбатчи эдим. Тонги радиодан эшиттирилган «уруш» деган даҳшатли хабар борлиқни ларзага келтирди. Мен рўзномани чиқардиму дам олиш учун уйга кетмадим, таҳририятда қолдим. Навбатдаги сонни чиқариш учун бутун жамоа йиғилди. Лекин ёш ходимлар — йигитлар ноҳия ҳарбий комиссариатига йўл олдилар, улар у ерга хабар ёзиш учун эмас, балки қўлга қурол олиб, фронтга жўнаб кетиш мақсадида бордилар.

Бир ҳафта ичида таҳририятнинг ярим ходими ҳарбий хизматга чақирилди. Вилоятлардан ҳам «Бизлар жангга кетаётирмиз», деган хатлар кела бошлади. Шундай кунларда муҳаррир мени ҳузурига чақириб:

— Хабарингиз бор, ҳамкасбларингиздан бир нечтаси фронтга жўнаб кетишди. Вилоят мухбирлари ҳам бирин-кетин олис жангоҳларга йўл олмоқдалар. Самарқанд вилоятида вакилимиз йўқ. Жумҳуриятимизнинг бу йирик пахтакор, ғаллакор ва чорвадор вилояти узоқ вақт мухбирсиз туриши мумкин эмас,— деб сўз бошладилар.— Таҳририятимиз ҳайъати сизни шу вилоятга махсус мухбир қилиб жўнатишни лозим топди, сиз бунга нима дейсиз?— деб синовчан кўзлари билан менга юзланди.

— Агар ҳайъат лозим топган бўлса, мен нима ҳам дердим, ишончни оқлашга ҳаракат қиламан,— дедим...

Тайёргарлик кўриб, янги иш жойимга жўнаб кетдим. Вилоят фирқа қўмитаси раҳбарлари мени очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Бир неча кун ўтгандан кейин мени «Ленин йўли» вилоят рўзномасининг эгасиз қолган қишлоқ хўжалиги бўлимига ўриндошлик йўли билан мудир этиб тайинлашди. Ҳар икки, яъни жумҳурият ва вилоят рўзномаларининг вазифаларини баробарига бажариш осон бўлмади, лекин мураккаб шароит шуни талаб этишини яхши англаб ишладим. Тошкентга вилоят ҳаётидан хабарлар юбориб турдим, «Ленин йўли» рўзномасига ҳам мақолалар уюштирдим...

Хизмат тақозоси билан Каттақўрғонга йўлим тушди. Ноҳияда чиқадиган рўзнома таҳририятида бўлдим, сўнг журналист Латиф Эргашев хонадонига таклиф этишди. Самарқандлик адабиётшунос олим Воҳид Абдулла ҳам шу ерда экан. У «Журналист Шароф Рашидовни танийсизми?» деб сўраб қолди. Кейин ўзи тушунтирди: Шароф Рашидов урушдан олдин «Ленин йўли» рўзномасида ўн йилга яқин масъул котиб бўлиб ишлади. Самарқанд дорилфунунини «аъло» баҳолар билан тугатди. Кейин рўзномани бош муҳаррири лавозимига кўтарилди. Бу вазифада ҳам узоқ вақт самарали хизмат қилди.

Шароф Рашидов уруш бошланиши билан қўлига қурол олиб, Ватан ҳимоясига жўнаб кетган эди. У тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист босқинчиларига қарши мардонавор, юзма-юз жанг қилди. Афсуски жангларнинг бирида фашистларнинг заҳарли ўқи Шароф Рашидовни сафдан чиқарди. У қўлидан оғир яраланди. Даволаниб соғайгач, фронт орқасига — туғилиб-ўсган Жиззах шаҳрига қайтди. Мактабда ёш авлодга тарбия бериш билан шуғулланди. Сўнгра вилоят фирқа қўмитаси Шароф Рашидовни илгариги лавозими — «Ленин йўли» рўзномасига бош муҳаррир этиб тиклади. Мана, Шароф Рашидов бугун рўзномага имзо чекди,— дея «Ленин йўли»ни менга узатди...

Сафардан Самарқандга қайтгач, ҳамкасбим Юсуф Юнусзода мени Рашидов ҳузурига бошлади. Шароф Рашидов мени қадрдон дўстлардек ўрнидан туриб, қучоқ очиб кутиб олди.

Суҳбат давомида:

— Жуда соз, бағримиз бутун бўлибди. Ҳамкор ва ёмаслаҳат ишлаймиз. Мураккаб даврда рўзнома мундарижасини янада бойитамиз ва такомиллаштирамиз, унинг мазмуни ва сифатини яхшилаймиз. Муштарийларнинг энг севимли, ўқимишли ва жанговор нашрига айлантирамиз,— деди у.

Шароф Рашидов муҳаррир сифатида қўл остидагиларга меҳрибон устоз эди. Ҳамжиҳатлик билан ишлаб, қалам тебратардик.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: Самарқанд вилояти пахтакорларининг кенгаши Шароф Рашидов билан мени бошқалар қаторида жумҳурият пахтакорларининг биринчи қурултойига вакил этиб сайлаганини эшитдик. Устоз билан бирга Тошкентга келдик. Қурултой қатнашчилари ўша йили 1 миллион тонна пахта етказиб бериш ҳақида муроҳаат қабул қилдилар. Биз ҳам бу ҳужжатга имзо чекдик.

Мурожаатномадан руҳланган Самарқанд вилояти меҳнаткашлари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, фидокорона меҳнат қилдилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўша йили вилоят жумҳуриятимизнинг 1 миллион тонналик пахта хирмонига ўзининг муносиб улушини қўшди. Вилоят фирқа қўмитаси журналистларнинг эътирозига қарамай Шароф Рашидовни вилоят фирқа қўмитасининг кадрлар бўйича котиби этиб сайлади. Раҳбарлик салоҳияти, матбуотда ишлаш давомида орттирган бой тажрибаси унга партия ишида ҳам қўл келди. Қисқа вақт ичида у ўз ишини чуқур ўзлаштирди ва раҳбарлик маҳоратини ошириб борди. Ноҳия фирқа қўмиталарини малакали, ишнинг кўзини биладиган, пишиқ-пухта ва билимдон кадрлар билан мустаҳкамлади. Кадрлар тарбияси, уларнинг ўқуви билан мунтазам шуғулланди. Бу тадбирлар натижасида ишда сезиларли силжиш юз берди.

Шароф Рашидовни кўп ўтмай янги лавозимга кўтаришди. У аввало элга танилган журналист ва ёзувчи эди. Шуларни инобатга олишиб, Шароф Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг (ҳозирги «Ўзбекистон овози») бош муҳаррирлик лавозимига мўлжаллашган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг 1947 йил июль ойидаги қарори билан Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» рўзномасига муҳаррирлик қила бошлади. У бу вазифада дадиллик билан ишга киришди. Энг аввало, ишни қайта қуришдан бошлади. Рўзнома ишидаги жиддий нуқсонлар синчиклаб пухта ўрганилди. Бўлимлар малакали ижодий ходимлар билан мустаҳкамланди. Улар билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб турилди. Фикр-мулоҳазаларга жиддий эътибор қаратилди. Мухбирлар билан алоқа мустаҳкамланди, уларнинг хабар ва мақолаларига рўзнома саҳифасидан кўпроқ ўрин берилди. Муҳим мавзулар қамраб олинишига эътибор кучайтирилди. Янги рукнлар пайдо бўлди. Ҳайъат йиғилишлари ва «летучка»лар савияси талаб даражасига кўтарилди. Летучкаларда юқори баҳоланган очерк, ҳикоя ва мақолалар рағбатлантирилди, халқ хўжалигининг деярли барча соҳаси таҳририят диққат марказида бўлди. Ҳаётимиздаги салбий иллатларни фош этувчи мақолаларга кенг ўрин берилди. Иш маданияти, меҳнат интизомига эътибор кучайди. Рўзнома ишига салбий таъсир этадиган ҳолатлар барҳам топди. Умуман ишни қайта қуриш ўз самарасини кўрсатди. «Қизил Ўзбекистон» муштарийларнинг севимли нашрига айланди, унинг жанговорлиги ошди...

ТАНАФФУС вақти эди. Меҳнат саройи ҳовлисида уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ака Турсунқулов билан учрашдим. Ҳамроқул ака: «Мен Марказий Қўмита бюросидан келаяпман, бюро Шароф Рашидовни Марказий Қўмита бюросига аъзо этиб сайлади. Усмон Юсупов: «Шароф Рашидов катта синовдан ўтди, энди уни ҳеч қўрқмасдан юқори лавозимга кўтарса бўлади», деди...

Рўзнома жамоаси Шароф Рашидовни бу юксак ишонч билан табриклади, унга муваффақиятлар тилади.

Орадан сал фурсат ўтди. Сессия Шароф Рашидовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси этиб сайлади. Рашидов Олий Советга раҳбарлик қилган даврда кўпгина ҳукумат делегацияларига бошчилик қилди, бир неча бор чет элларда бўлди, ҳукумат топшириқларини виждонан ва шараф билан бажарди.

Шароф Рашидов ўта камтар раҳбар эди. Лаганбардорликни асло хуш кўрмасди. Шу ўринда бир мисол келтираман: Рашидов Иттифоқ ҳукуматининг топшириғи билан Индонезияга сафарга бориши керак эди. Сафардан биз, журналистлар хабардор эдик. Шароф Рашидовни мен, М. Шералиев, З. Есенбоев ва бошқалар Тошкент тайёрагоҳидан ҳеч қандай қоровул, милиция ва дабдабасиз кузатиб қўйдик, унга оқ йўл тиладик...

Шароф Рашидов билан ёнма-ён ишлаб, узоқ вақт бирга бўлиб, биронта ножўя гап айтганини, кишилар кўнглини оғритганини билмайман.

Шароф Рашидов меҳрибон ва жонкуяр оила бошлиғи ҳам эди. У умр йўлдоши Хурсаной билан бахтли ҳаёт кечирди, фарзандларини жамиятимизга манфаати тегадиган қилиб тарбиялаб, воя-га етказди.

Шароф Рашидов тантанабозликни хуш кўрмасди. Эсимда, Сирдарёда Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Бу тадбирда Рашидов иштирок этиши керак эди. Зўр тайёргарлик кўрилиб, дастурхон тузалди. Ноз-неъматларга тўлдирилди. Турли рангдаги шишалар терилди. Йиғилишнинг расмий қисми тугагач, ҳамма «гур» этиб ўрнидан қўзғалиб ясатилган хона томон йўл олди. Шароф Рашидов ҳам ўша тарафга ўтди. Бироқ у косада келтирилган шўрвадан бир-икки ҳўплаган бўлдию ўрнидан туриб, ҳамма билан самимий хайрлашди ва вақти зиқ эканлиги учун узр сўраб, жўнаб кетди...

Шароф Рашидов жуда сезгир ва ҳушёр эди. Биз бир куни Рашидовнинг дала ҳовлисида оилаларимиз билан кинофильм томоша қилгандик, киночилар бир экран асарида ўзбек тилида бошқа маънони англатадиган иборани ишлатишганди. Буни Шароф Рашидов сезиб қолди. Шундан сўнг фильмни иккинчи бор кўрганимизда ҳалиги иборани учратмадик. Ў олиб ташланибди.

ПИРХОНА

ШАРОФ Рашидовнинг одамийлик фазилатларидан бири шу эдики, у ўзи билан бирга ўқиган ва ишлаган дўстлари ҳолидан хабар олишни канда қилмасди. Бир мисол: 1979 йил 9 августда ҳамкасбим, энг қадрдон дўстим, шоир Назармат қулбамга қадам ранжида этди.

— Нечук Худо ярлақади?— дедим уни илиқ қарши олиб.

— Э, хурсандчилик: Шароф Рашидов ҳаммамизни соғинибдилар, эртага ҳузурларига борамиз, шу хушхабарни айтгани келдим...

Биз 10 августда «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг муҳаррири Аҳмад Исмоилов хонасида тўпландик. Бироз кутишга тўғри келди. Вақт тиғиз, иш кўп бўлишига қарамай Шароф Рашидов «Кетиб қолманглар, мен ҳозир бўшайман», деб хабар етказибдилар.

Сўнгра биз Марказий Қўмитага бордик. Шароф Рашидов дўстларини эшик олдида қучоқ очиб кутиб олди. Ишимиз, соғлиғимиз, оилаларимиз билан қизиқди. Дунёдан кетганлар ва ҳаёт журналистлар эсга олинди. Хотиржам бўлгач, бизни жумҳуриятимиз ҳаётидаги янгиликлар ва ўзининг ишлари билан муфассал таништирди.

— Пахтамизнинг авжи яхши, об-ҳаво илиқ келса пахта эрта пишади, ёғинсочинга қолдирмай, тез вақтда йиғиб-териб оламиз. Планнигина эмас, мажбуриятимизни ҳам муддатидан илгари бажарамиз,— дедилар.

Ўша йили об-ҳаво қулай келди, пахта эрта пишди. Халқимиз фидокорона меҳнат қилди, ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай йиғиб-териб олишди, мажбурият ортиғи билан бажарилди.

— Бу жой,— деди Шароф Рашидов сўзининг охирида, Марказий Қўмита биносини кўрсатиб—пирхона, кимки бу ерга яхши ният билан пок қадам босса, мурадига етади. Кимки ёмон ният билан қадам босса, оёғидан йитади, хор бўлади...

Шароф Рашидов бу мўътабар иборани бекорга айтмаганди, бунинг чуқур маъноси бор эди. Суҳбат охирига етди, у ҳаммамизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Бизни жумҳуриятимиз ҳаётидаги муҳим ишлар билан таништиргани, мазмунли суҳбати учун у кишига миннатдорчилик изҳор этдик. Сўнг бизни анча жойгача кузатиб қўйди. Биз бу мулоқотдан беҳад мамнун бўлиб қайтдик.

Мен Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаганларнинг кўпини яхши билардим. Улардан баъзилари босар-тусарини билмай, ўтирган уйининг эшигини синдириб, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, раҳбар шаънига доғ туширганлари ҳам бўлди. Хўш, Шароф Рашидовнинг ҳашаматли ҳовли-жойи бор эди, деб ким айта олади? Шахсан мен унинг Жиззахдаги мўъжазгина ҳовлисига эшикдан кириб, бир хонали айвонда ота-онаси қўлидан бир пиёла чой ичганимни асло унутмайман.

Шароф Рашидов ўта камтар, юзидан кулги аримас, рўпарасидан келган ҳар қандай киши билан қўл бериб кўришар, уларнинг кўнглини топиб гаплашарди. У эл назарига тушган йирик сиёсат арбоби, ўткир журналист, шоир ва адиб, меҳрибон мураббий, ҳозиржавоб, иродаси мустаҳкам, қалби пок эди. Рашидовнинг жумҳуриятимиз равнақига қўшган ҳиссаси беҳисоб, қилган ишларини ҳамма билади. Шу боисдан унинг хизматлари халқимиз қалбида абадий сақланажак. Ҳали бу ҳақда яратилажак Шарофнома Олмалиқнинг нодир олтинидек қалбларга нур бериб туражак.

Азиз дўстлар, биродарлар! Дунёдан кетганларнинг яхши фазилатларини хотирлайлик. Элга қилган улуғ хизматларини тилга олиб, марҳумларнинг руҳини шод этайлик.

1949 йил, «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси журналистлари оила аъзолари билан дам олиш пайтида. Иккинчи қаторда ўтирганларнинг (ўнгдан) еттинчиси Шароф Рашидов.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ САРДОРИ ЭДИ

ҒУЛОММАҲМУД отанинг вафот этганлигини автобусда кетаётганимда кутилмаганда одамлардан эшитиб қолдим. Кўнглим бир ёрзиқиб тушди. Кўз олдимда ғоятда камтар, камсуқим ўрта бўйли, қотмадан келган доимо эл-юрт ташвиши билан юрадиган толмас сиймо гавдаланди...

Ўша кезларда мен собиқ Калинин ноҳияси (ҳозирги Зангиота) рўзномасида ишлардим. Бир куни муҳарриримиз (собиқ) Ҳалил Қаюмов ҳузурига чақириб қолди.

— Карл Маркс номли (ҳозирги Абдуллаев номли) колхозга бориб келсангиз. У ерда Мирфайзи Мираъзамов деган бригадир бор. Кеча ноҳиядаги йиғилишда у ҳақида жуда яхши гаплар айтилди. Жамоа деҳқонлари экинларни парвариш қилиш ва ҳосил топширишда олдинда бораётган экан. Аввало раисга учрашишни унутманг,— деди.

Хўжаликка биринчи марта бораётганлигим туфайли идорани сўраб-суриштириб топишга тўғри келди. Идора биноси унчалик катта, данғиллама эмас, балки кичкина, оддий хоналардан ташкил топган эди. Қабулхонага кирганимда бир аёл машинкада ёзиб ўтирарди. Ундан раисни сўрадим.

— Ҳозир келадилар, сартарошхонадалар,— деди мулойимлик билан ва ишини давом эттирди.

Мен ташқарига чиқиб атрофни бироз айлангач, чойхона қаршисидаги сартарошхонага кирдим. Дарҳақиқат раис шу ерда эди. У кишининг суратини газеталарда жуда кўп кўргандим. Йиғилишларда узоқдан кўзим тушганди. Ғуломмаҳмуд ака кўп ўтмай чиқиб келдилар. Саломдан сўнг, ўзимни таништирдим, мақсадимни айтдим.

— Жуда яхши, дедилар. — Унинг бригадаси тўғрисида қарқанча ёзилса, ҳарқанча мақтаса арзийди. Ҳа, одамларни руҳан кўтариш керак.

Мени мамнунлик билан идорага бошладилар.

Кичкина хонада бир лаҳза раис билан суҳбатлашдик.

— Мирфайзи аканинг бригадаси қайси тарафдалигини кўрсатиб юборсангиз, ўзим бориб, бир суҳбатлашиб қайтсам.

— Ҳозир,— дедилар Ғуломмаҳмуд ака ва аста мийиғида кулиб ўрниларидан турдилар. Кўчага чиқдик.

— Ука, сиз шу ерда кутиб туринг!

Раис гаражга кириб, кўп ўтмай бир машина билан чиқдилар.

— Ўтиринг,— дедилар. Шу шофёр йигит сизни Мирфайзининг бригадасига олиб бориб келади...

Роса бир соатча йўл юргач, Мирфайзи Аъзамов бригадасига етиб келдик. Унинг ерлари Тошкент халқа йўлининг нариги бетида экан. Мирфайзи ака билан бафуржа гаплашдим, шийпонда бирга тушлик қилдик. Далаларни айландик. Мўл ҳосил олиш сирлари ҳақида фикрлашдим. Орадан 5—6 кун ўтгач рўзномада «Илғорлар даласида» сарлавҳали мақолам эълон қилинди.

1975 йилнинг январь ойи охирлаб қолганди. Колхознинг йиллик ҳисобот йиғилишига боришга тўғри келди. Ўша ўзим кўрган идора, ўша ўзим кўрган кўҳна, аммо салобатли клуб биноси. Колхозчилар тирбанд бўлиб йиғилишди. Мажлисга киришдан олдин раисга учрашиб, келганлигим ҳақида хабар бериб қўйдим. Ғуломмаҳмуд ака минбарга чиқиб йил бўйи колхозда қилинган ишлар юзасидан колхозчилар олдида ҳисобот бердилар. Қисқа, лўнда гапларни айтдилар. Айрим бригадаларнинг қолоқлик сабабларини холисанилло таҳлил этдилар. Илғорларга ташаккур билдириб, уларни мақтадилар.

— Инсон бу дунёда нима учун яшайди, нима учун меҳнат қилади? Мақсади битта. Бола-чақамни муҳтож қилмай боқсам, орзу-ҳавасини кўрсам, тирикчиликни яхши ўтказсам, элимга, давлатимга нафим тегса, — дейди. Менга қолса колхоз бу менинг оилам...

У қизғин қарсаклар остида ўрнига бориб ўтирди. Бу содда, тадбиркор раиснинг сўнгги гаплари бир умрга миямда муҳрланиб қолди. Гоҳо-гоҳо раислар ҳақида ўйлаганимда отанинг юқоридаги гапини эслаб қўяман.

Мажлис тугагандан сўнг дастурхон тузалиб ясатилган узун катта залга кирдик. Ҳали қаҳратон қирчиллама қиш бўлишига қарамай дастурхонга ҳиди гупириб турган бодринг, помидор ва бошқа сабзавот — ноз-неъматлари қўйилганди. Бу ноз-неъматлар бозордан эмас, хўжаликнинг иссиқхоналаридан келтирилганди. Ош тортилди. Чойхўрлик қилиб ўтирдик. Мен шошардим. Оз бўлса ҳам раиснинг маърузаси билан танишиб чиқиш ҳақида ўйлардим. Лекин бугун иш битмаса керак, деб мулоҳаза қилардим. Чунки раис райондан келган бир қатор раҳбарлар даврасидан чиқиб мен билан бўлармиди... Лекин ундай бўлмади. Ташқарига чиққанимда Ғулломаҳмуд ака меҳмонларни кузатиб турган эди.

— Э ука, кечиринг, овқат, чой пой ичдингизми?— дедилар. Сўнг мени ўша кичкина хоналарига бошладилар. Хонага кирганимизда раис шошилмади. Мени хотиржамлик билан йиллик ҳужжатлар билан таништирдилар. Колхоз қанча ерга сабзавот, қанча ерга картошка эккани, қанча ерда боғ-роғлар борлиги, бундан ташқари қанча сабзавот, қанча картошка, қанча узум ва мева етиштирилгани, қанча миллион сўм даромад қилингани ҳақида бирма-бир баён қилиб бердилар.

Энди ўйласам, ўшанда у одамда «мен қаҳрамонман, Олий Совет депутатиман, кекса раисман» деган манманлик туйғулари йўқ эканлигига унчалик эътибор бермаган эканман. Самимийлик, камтарлик, оддийлик фазилатлари у кишининг қон-қонига сингиб кетган эди.

Колхоз дарғаси, деҳқончилик миришкори яхши ўқимаган бўлса ҳам уққан Ғуломмаҳмуд ота Абдуллаев кўп ўтмай етмиш беш ёшларини нишонладилар.

— Сиз Ғуломмаҳмуд ота билан анча танишсиз. У киши ҳақида бирор нарса ёзиб берсангиз,— дейишди муҳарририятдагилар.

Бу таклифни мен бажонидил қабул қилдим. Бу сафар колхозга бориб юрмадим. Аммо отанинг туғилган кунлари арафасида «Юнусобод чинори» деган очерк рўзнома юзини кўрди.

Ҳа, ота меҳнатлари, ота орзулари изсиз қолмади. Унинг ишини садоқатли шогирдлари, издошлари давом эттиришмоқда. Яқинда хўжаликда бўлганимда бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб ўз кўзимга ишонмадим. Хўжалик улкан комбинат — катта саноат марказини эслатарди. Бу ерда сабзавот консервалари, қаймоқ етиштириш цехлари ишга туширилгани. Хўжалик ноҳиядагина эмас, вилоятда ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Буларнинг ҳаммасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғуломмаҳмуд ота Абдуллаевнинг ҳиндлари келгандай бўлади.

Турғун ЖУРАЕВ.

МЕҲНАТИ ЭЛДА АЗИЗ

...ЗУҲРИДДИННИНГ ҳамон ёдида. Ўшанда 8-синфда ўқирди. Қўни-қўшниларнинг чироқлари ёнмай қолса югуриб бориб ёқиб беришга ҳаракат қилар, қўлбола радиоприёмниклар ясаб, кўпчиликнинг диққатини тортарди. Қизиқиш устунлик қилиб, у чиндан ҳам ўрта мактабни тугаллагач, бирмунча вақт жамоа хўжалиги устахонасида ишлаб юрди. Сўнгра йўлланма билан Тошкент алоқа техникумининг электр алоқалари куллиётига ўқишга кириб, 1974 йилда муваффақиятли тугаллади. Ўз билими ва малакасини ошириш мақсадида Тошкент Политехника олийгоҳида аввал техник, кўп ўтмай эса муҳандис бўлиб ишлади. Билимгоҳда олган билимлари, орттирган тажрибалари кейинчалик унинг иш фаолиятида жуда қўл келди. Шу боисдан ҳам Зуҳриддин «Меҳнат» фабрикаси, 12-автопаркда электрик-аккумуляторчи бўлиб ишлаган кезларида фақат жамоанинг ҳурматига сазовор бўлди.

Эндиликда Зуҳриддин Мусаевнинг номини Ўрта Чирчиқ районининг «Роватак» жамоа хўжалигидагилар «қўли гул йигит»,— дея таъриф бериб тилга олишади. Чунки, Зуҳриддин ўз касбининг устаси. Мурожаат билан келган мижозларни кушмуомилалик билан кутиб олади. Созлаш учун келтирилган трактор ёки машинани диққат билан кўздан кечиргач, унинг «касали»ни дарҳол илғайди ва чаққонлик билан ишга киришади. Кўрибсизки, сал фурсат ўтмай, юзингизда табассум билан транспортингизни бошқариб, чиқиб кетасиз.

— Зуҳриддиннинг яхши бир одати бор,— дейди суҳбатимизга самимийлик киритиб бош муҳандис Умар Улуғхўжаев,— ўз касбини чин дилдан севади. Эрта кўкламдан то ҳосил йиғиб-териб олингунча бўлган мавсумда унинг қўли-қўлига тегмайди.

З. Мусаев оилада ҳам тадбиркор хонадон бошлиғи. Уч фарзанднинг отаси. Умр йўлдоши Сурайёхон билан ҳамма ҳавас қиларли оила қуриб келишмоқда.

...Баҳор — байрамлар фасли. Яратиш ва гўзаллик онидир. Мана шундай қутлуғ кунларда Зуҳриддин ва унинг ҳамкасблари яхши ният йўлида меҳнат қилишмоқда. Меҳнати элда азиз бўлган бундай кишилар эса аслида оддий кунни ҳам байрамларга улаб яшайдилар.

Анора КАРИМОВА.



МАИШИЙ ХИЗМАТ

МУТАХАССИСЛАР ЎЗЛАРИДАН

АНГРЕН шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси корхоналарида 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар меҳнаткашларга 12 та асосий тур бўйича хизмат кўрсатишяпти. Давлат топшириқларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўтган йилги режа 400 минг сўм ортиғи билан адо этилди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган маиший хизмат ҳажми белгиланганидан 3 сўм 13 тийин ортиқ бўлиб, 13 сўм 96 тийинга етди. Пойабзал ва кийим-кечаклар тикиш цехлари жамоалари дуруст ишламоқдалар.

Бу йилдан бошлаб бошқармада ижара усули кенг жорий қилинди. Ҳамма корхоналар, умуман бошқарманинг ўзи ҳам шу асосда ишламоқда. Натижада бу йилги ойлик топшириқлар ҳам, катта қийинчиликларга қарамай, бажарилянти. Диққатга сазовор ишлардан бири, бошқармада маҳаллий кадрлардан мутахассислар тайёрлашга эътиборнинг кучайганлигидир. Биргина ўтган йилда 85 нафар ўзбек қизлари шогирдликка қабул қилиндилар. Улар хотин-қизлар учун жуда маъқул бўлган қатор касбларни ўрганишди. Ҳозир эса ўз устозлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишмоқда.

Н. ДУШАЕВ.

МАКТУБЛАРНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

Муҳарририятимизга ҳар куни муштарийлардан кўплаб турли мазмундаги хатхабарлар келиб туради. Уларнинг муаллифлари турли ёш ва касбдагилар. Баъзи бир мактуб эгалари ўз истиқомат ёҳуд хизмат жойларида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлардан бизни хабардор этсалар, яна баъзилар ўзларини ўйлантираётган муаммолар ҳақида қуюниб ёзадилар. Биз ҳеч бир хатни эътиборсиз қолдирмасликка, улардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Зеро, ҳар бир мактуб ортида тирик инсон, унинг қалб қўри ва нозик кечинмалари бор.

Бўка ноҳиясидаги Чапаев номли 8-мактаб ўқитувчиси **Нурулло Исматов** ўз мактубини «Аёл борки — гўзалдир дунё» деб номлабди. Дарҳақиқат, шарқ аёллари ўз ақл-идроки, нафосати ва ҳаёси билан азал-азалдан улуғланиб келган.

— Волидаларимиз бола тарбиясидек мураккаб ишга ўта масъулият билан ёндошганлар, шу билан бирга уй-рўзғорни ҳам саранжомсаришта тутганлар, ўн бармоқларида ўн ҳунарлари бўлган,— деб ёзади Н. Исматов,— меҳнат ва табиий гўзаллик уйғунлашиб уларнинг назокатига назокат қўшган.

Лекин эндиликда эркинлик, демократия, ҳуқуқ ва имтиёз деб аталувчи имкониятларни айрим енгилтак аёллар ёқости қилаётганликлари, ўз миллий маданиятини унутиб қўяётганликлари, ҳақиқа куюниб ёзади. Муаллиф «Оила ва никоҳ» қайтадан кўриб чиқилиши, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи, келажаги бўлган ёш авлодни анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат билан қараб, унинг давомчилари бўлиш руҳида тарбиялаш лозим деган хулосага келади.

"Халқимизнинг «Ҳар кимни ҳам тўйга етказсин», «Топганингга тўйга буюрсин»,— деган яхши гаплари бор. Ҳақиқатан, ҳар бир ота-она ўғил-қиз тарбиялар экан, фарзандининг камолини кўришни орзу қилади. Лекин бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида тўй қилишнинг ўзи бўлмайди. Тўйларимизни ортиқча сарф-ҳаражатларсиз, ҳам мазмунли ва файзли ўтказиш мумкин. Ўрта Чирчиқ ноҳияси Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан хат йўллаган **Ш. Ярашева** Қўқоновул қишлоғидаги Тоживой бува Асроқулов хонадонида бўлиб ўтган ана шундай қувончли тантана ниҳоятда ихчам ва чиройли бўлганлигини ёзади. Демак, кўпни кўрган кексаларимиз ёшларга насиҳат қилиб, йўлга солишлари, ўз ҳаётий тажрибаларидан ибрат келтиришлари лозим.

Бозор иқтисодиёти шароити мураккабликлари ҳеч бир соҳани четлаб ўтмаяпти. Жумладан, савдо хизмати соҳасини ҳам. Лекин, харидорлар талаб-эҳтиёжларини ўрганиб иш юритаётган, хушмуомала ва тадбиркорлар ҳақида илиқ ва самимий дил сўзлари битилган хат-хабарлар ҳам талайгина. Бунга Тошкент ноҳияси «Ленинград» жамоа хўжалигидан **Т. Дўсоновнинг** Охунбобоев матлубот жамиятига қарашли 35-озиқ-овқат дўкони хизматчилари ҳақидаги мактуби мисол бўла олади. Ўрта Чирчиқ ноҳиясида **С. Утегенова** ҳам Пахтаой дўкони мудири Д. Валихўжаевага рўзномамиз саҳифаларида миннатдорчилик билдиришимизни илтимос қилган. Худди шу райондаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги 3-бўлимида истиқомат қилувчи **М. Каримов**, ангренлик **У. Жўраевлар** ҳам ўз хўжаликларидаги янгиликлар ҳақида хабарлар йўллашган.

ТЕАТР АРБОБЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ

28 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди.

Унда республика театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Р. Қориева икки қурултой оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот маърузаси қилди.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар театр санъатини ривожлантириш, санъаткорларни ижтимоий ҳимоялаш, репертуарларни бойитиш, актёрлар маҳоратини ошириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг янги таҳриридаги низоми қабул қилинди.

Б. Р. Қориева Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси Президенти этиб сайланди.

Қурултойда Республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

(ЎзА).

• *Акс-садо* •

ЖУДА ЎРИНЛИ ТАКЛИФ

ҲУРМАТЛИ МУҲАРРИРИЯТ!

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг шу йил 25 апрель сонида чоп этилган «Эшон Бобохон ҳазратларини унутмайлик!» мақоласини ўқиб, ўз мулоҳазамизни билдиришни лозим топдик.

Мақола муаллифи жуда ҳам эзгу ва ўринли таклиф билан чиққан. Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратларининг табаррук хотираларини абадийлаштириш биз авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, бу хайрли иш мустақил жумҳуриятимизда дини исломга, унинг таълимотига кенг йўл берилаётганлигига ҳам яна бир амалий асос бўлар эди.

Бир сўз билан айтганда, у зоти шарифнинг эл-юрт, дини-ислом олдидаги хизматлари чексиз. Ва бу хизматлар ўз эътиборини, муносиб эътиборини топишига ишонамиз. Зеро, ҳадиси шарифда ҳам марҳумларни барча яхши амаллари билан ёд этиш марҳамат қилингандир.

Малик МУРОДОВ,
Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олий илмгоҳи кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор.
Муҳсин ЗОКИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари номзоди.
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир.
Мирхон ОРИПОВ,
пойтахт «Шаҳарни ташқи безаш корхонаси» директори.

Жонон қизга узун
сочи ярашибди,
Алп йигитлар ҳавас
билан қарашибди.
Гўзалликка дуч келсанг
гар меҳринг жўшар,
Соч чиройи қиз ҳуснига
ҳусн қўшар...

ТУРҒУН бек Маҳкам
сурат-лавҳаси.

ЭЪЛОНЛАР

АНГРЕН КАРТОН ИДИШЛАР КОМБИНАТИ

барча корхоналар ва ташкилотлардан нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан чекланмаган миқдорда

МАКУЛАТУРАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛАДИ

БИР ТОННА МАКУЛАТУРАНИНГ БАҲОСИ,
нақд пулга — 1500 сўм,
пул ўтказиш йўли билан — 3200 сўм.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 702500, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ қўрғони. Ангрен картон идишлар комбинати.

БОҒЛАНИШ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
(266) 3-49-75 (кечаю-кундуз);
3-78-28 (соат 8 дан 17.00 гача, шанба ва якшанбадан ташқари).

• *Меҳрга муҳтож кишилар*

УЛАР КЎНГИЛ КЎЗЛАРИ БИЛАН КЎРАДИЛАР

ODAM боласи бу рўйи заминга ўзини излаш учун келади. Ўзлигини таниганлар, дунё жамолини кўришга мушарраф бўлганлар бор ва бундан буён ҳам бўлади. Мен бу ўринда руҳларига ҳамду санолар айтиб, бандаи ожизлар сирасига мансуб Исмоил Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор Вали, Мир Алишер Навоий боболаримизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром ила эслатгим келади. Бошқа муборак исму шарифларини тилга ололмаганим, қатор Ҳаққа етишган буюкларимиз ҳузурларида узрлиман. Ҳарқалай ўз-ўзини англамоқнинг, борлиқни тушунмоқнинг, Ибтидога интилмоқнинг ўзи — одамгарчилик фазилатларидандир.

Қиёси йўқ зебу зийнатлари билан, фаслу фазилатлари билан кишини чорлагучи дунё аталмиш бу бовужуд чунонам кўргулик, мафтун бўлгуликкки. Буни ҳис қилмаслик, унга интилмаслик мумкинмас. Акс ҳолда сут берган онадан юз бурилган, нонкўрлик қилинган бўлур эди. Дарвоқе, шу ўринда беихтиёр: кўзи ожиз бандалар кўрмасдан туриб дунёйи бовужни қандай тасаввур қиладилар деган савол оғир тошдай кўнгил тубига чўкади. Илло, уларнинг ошифта хаёлларини безовта этдим, менга маъзур тутсинлар.

Кўзлари юмуқ... Улар учун дунёнинг кўзлари-да юмуқ... Энди баҳоят хотиржам, нафис ҳаракатлар билан дастгоҳларни бошқараётган йигитларни, рангин шолчаларга андоза олаётган, кўрпа-тўшаклар тикаётган қиз-жувонларни тасаввур қилинг! Булбулу баҳор ҳақида, ватану ифтихор ҳақида картон қоғозни чакичлаб шеъру достонлар ёзаётган, долғали замон қиссаларини битаётган ижодкорни тасаввур қилинг! Дутор, тор пардалари устида қўлларини тусмоллаб югуртириб, совуқ симларга жон бахш этаётган — куйлаётган, куй басталаётган соҳиби санъат эгаларини тасаввур қилинг! Ҳайратдан ёқа ушлайсиз, уларга таҳсину тасаннолар ўқийсиз.

Кўзлари ожиз дўстларим, сингилларим ижодлари билан танишиб, қатъий шу фикрга келдим: улар айрим тўрт мучаллари бут, ўзларини комилу кароматли деб биладиган баъзи зотларга нисбатан нозик ва шафоатлидирлар. Дунёга авайлабгина ёндошадилар, уни кўнгил кўзи билан кўрадилар. Уни ёниқ меҳр билан суядилар. Ва қиёс қилиб бўлмас даражада унга талпинадилар. Назаримда, шу боисдан ҳам дунё жозибаларини теран туядилар, ўзларининг содда, самимий дунёларини яратадилар. Бу — Тақдири азалнинг карами, иноятидир!..

Анвар Хўжа (Эшонхўжаев) дунё излаб, ўз дунёсини яратаётганлар сирасига киради. Борлиқ, ватан — тепиб турган юрак. Юрак — соз... Юрак — қўшиқ... Одам боласининг борлиги, умидворлиги ана шу соз, ана шу қўшиқ билан бир бутунликда. Шу ўринда яна бир бор, ожиз кўз билан синоатли оламни кўришни, унинг товланишларини илғашни тасаввур қилинг-а! Ҳаққи таолонинг ҳаққига шак йўқ: фақат эзгга айланган меҳр-муҳаббатгина бунинг уддасидан чиқиши мумкин.

Ажаб ҳол, гоҳо кишилар кўнгилларида замонлар зуваласини ийлайдилар, туғилиб ўз туғига эришган замонлар эса уларнинг кушандасига айланади, маҳв этади. Демак, инқилоблар — ношукур бандалар томонидан қилинган густоҳликлардир! Ҳа, чақин чақиб, гулдираган инқилобни, унинг этагидан тўкилган машъум — йигирманчи, ўттизинчи, эллигинчи ва ниҳоят саксонинчи йилларни ёдга олинг... Шоир кўнгли — шаҳодат. Орадан ярим аср ўтгандан кейин ҳам «Мен туғилган кун!» деган ҳайқириқ билан бутун бошли халқ таҳқирланган, аҳли комиллари қатағон қилинган ўттиз еттинчи йил даҳшатларини жонлантиради, бонг уради...

Айтгандай, Анвар Хўжа қадимий Қўқонда таваллуд топган. Ўрта мактабни олтин медаль, Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллиётини нуфузли диплом билан тамомлаган. У ҳозирги кунда «Бир сафда» — «В одном строю», «Янги ҳаёт» ойномаларининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шоирлигига келсак, анъанавий асрларга ўтиб келаётган «Қўқон адабий муҳити»нинг майин шабадалари унга илҳом ва иштиёқ бахш этганлиги, табиий.

Ҳа, Анвар Хўжа игна билан булоқ кўзларини очаётир. У очган булоқлар ўзига хос тиниқлиги, ўйноқилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шеърларни ўқиб, сиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Турсун ИБРОҲИМ,
Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

• *Игна билан ёзилган шеърлар*

СОҒИНИБ

Ватан, тупроғинг ўпардим
Чин жамолинг соғиниб.
Не ажаб кўрмай ўтардим
Чин жамолинг соғиниб.

Тил—забоним қисқа эрди,
Дилда сўзлар боду бод.
Минг шукурки, тонг
ёришди
Чин жамолинг соғиниб.

Кеча-кундуз бўзлар эрдим,
Бўлса деб чин ҳуррият.
Юз таолло, келди ул кун
Чин жамолинг соғиниб.

Она юртим, эй дўсту ёр,
Салом сенга, истиқлол!
Хўжа айтар бугун алёр,
Чин жамолинг соғиниб.

АЁЛ

У келади, сеп ёзса баҳор,
Кокилларин тебратар
шамол.
Хок—пойига сочилмиш
гуллар...
Қалб тўрини банд этган
аёл.
Атрофига боқар оҳиста,
Яшнаб турган гўё бир
ниҳол.

Табассум-ла лаб очар аста
Қалб тўрини банд этган
аёл.
Ўтли нигоҳ ташласа
зимдан,
Алп қоматлар бўлғусидир
дол.
Оҳ, кимларни қилмас
саргардон
Қалб тўрини банд этган
аёл.
Ундан анқир нақ мушки
анбар,
Қараганни қолдиради лол.
Ҳузурида бу ҳақир Анвар,
Қалб тўрини банд этган
аёл.

ЎРГИЛАЙ

Ассалом, гулруҳ нигорим,
Шоҳсуворим, ўргулай!
Чақнаган ўтли нигоҳим,
Бастакорим, ўргулай!

Гулсану гуллар қучарсан,
Саҳналардир ошиён.
Воҳ, мени қийнаб
нетарсан,
Дилу зорим, ўргулай!
Қалбим ичра сенсан
офтоб,
Шуъласи қилмайди кор.
Мен эрсам бунда бетоб,
Беқарорим, ўргилай!
Якта холу ёй қошингга

Сажда қилмоқ ниятим.
Мажоро тушса бошингга,
Садқа жоним, ўргулай!
Гар севиб ёр этмасанг
ҳам,
Ҳайдама мен хастани.
Анваро ўйингда бир дам,
Умидворим, ўргулай!
Келди ёрим ёр дебон, воҳ,

НЕТАЙ

Эътибор этмай нетай?
Дил кўкида сузар у моҳ,
Интизор кутмай нетай?
Гарчи боқса менга дилбар,
Юзлари гул-гул ёниб.
У билан мен бирга-бирга
Сайри боғ этмай нетай?
Ҳаққа ҳадсиз ёлборардим,
Кўрсам деб кулбам аро.
Ёқди шаъм кўнглим
тўрига
Зор-зор йиғлаб нетай?
Анваро шод тут ўзингни,
Келди-ку шўх париваш.
Гул баҳорим очса қучоқ,
Ифтихор этмай, нетай?

МЕН ТУҒИЛГАН КУН

Ўттизинчи йилларнинг қатағонлари...
Қонимда ҳайқирар, кезар сарсари!..

Лаънатга чулғансин мен туғилган
кун,
Зиндонбанд айлансин мен туғилган
кун.

У машъум йилларнинг даҳшат,
суронн...
Тарихдан ўчирилсин мен туғилган
кун!

Отамнинг арвоҳи чирқирар ҳамон,
Онамнинг ноласи кетмас қулоқдан.
Зулумат юзига юз тутмоқ ёмон,
Узлатга чекинсин мен туғилган кун!

Волидам аламдан ўртаниб бедор
Ҳаётдан кўз юмди мен улғаймайин.
Етимлик, ўксиклик ўртади минг бор,
Гуноҳқор саналсин мен туғилган кун!

Йўқ, йўқ йиғламайман, келди
истиқлол,
Кўнглим ҳам, йўлим ҳам нурафшон
бугун.
Ҳурлик йўриғига қилингиз амал,
Қайта туғилмасин мен туғилган кун!

Анвар ХУЖА.

ВИЛОЯТИМИЗДА «МАРҲАБО, ТАЛАНТЛАР» КЎРИК-БЕЛЛАШУВИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

ҚАДРИЯТЛАР—МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

ШУ КУНЛАРДА вилоятимизда ҳаваскор жамоаларнинг кўрик-беллашуви ўтказилмоқда. Вилоят илмий-услубият маданият маркази бошчилик қилаётган бу тадбирни Зангиота ноҳияси ҳаваскорлари бошлаб бердилар. Улар ўз дастурларини «Сайил» кўринишида ташкил қилиб, катта ашула билан кўрикни очдилар. Қатнашчилар саҳнада давра қуриб, сурнай ва ноғора жўрлигида «Дилхирож» рақсини ижро этдилар. Сўнгра ҳаваскорлар навбатма-навбат лирик қўшиқ ва рақслар намойиш қилдилар.

Вилоятимизда ҳар хил миллат вакиллари яшаётганлиги ҳаммага маълум. Шу боисдан ҳам сайилда турли халқ вакиллари иштирок этдилар: рус биродарларимиз ўз миллий кийимларида қўшиқ ижро этиб, рақсга тушдилар. Сўнгра қозоқча ўланлар янгради...

Айтиш керакки, бошловчининг миллий қадриятларимизни улуғловчи сўзлари ва ифодали ўқиган шеърлари даврани янада қизитиб, ҳамма нинг кайфиятини кўтарди. Шунингдек, кекса қатнашчилар ижросидаги мақом қўшиқлари ва рақслар даврага жуда мос тушди. Кўрикнинг биринчи куни Қуйи Чирчиқ ва Чиноз ноҳияларининг вакиллари иштирок этдилар. Афсуски уларнинг дастурлари оддий концерт дастурига ўхшаб қолди. Умумий тайёргарлик ҳақида гап борадиган бўлса, деярли ҳамма ноҳия ҳаваскорларида бир-бирига ўхшаш нуқсонлар мавжуд. Мен бу ўринда мутахассислар маслаҳати ва кўрсатмасини эшитмай тайёрланган чиқишларни назарда тутаяпман. Ҳаваскор қатнашчиларимиз иштиёқлари мақтовга лойиқ, албатта. Аммо халқимизнинг «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган мақолига кўра ҳар соҳанинг устаси қўл урган иш жозибали бўлади, демоқчиман. Шунга кўра баъзи рақслар малакали устозлар иштирокисиз тайёрланган. Рақкосалар ўзларича куйга қараб ҳаракат қилмоқчи бўладилар, аммо куй охиригача узилишлар, ортиқча ҳаракатлар, орқада қолишлар юзага келган. Ҳаваскор хонандаларнинг чиқишларида ҳам шундай камчиликлар мавжуд. Тажрибали хонандаларимизнинг ўгитлари ва маслаҳатларисиз тайёрланган баъзи қўшиқларда куйни эшитмай орқада қолишлар, мусиқа оҳангига аҳамият бермай қуруқ ижро этишлар учрамоқда. Аммо бу нуқсонлардан қатъий назар, кўпгина маданият уйлари ходимлари ўз имкониятларига яраша концерт дастурлари тайёрлаганлар. Хусусан аяжонларимиз ижро этган театрлаштирилган тўй кўринишлари, ўлан айтиш, ёр-ёр, келин салом, қудаларга сарупо улашиш каби томошалар анча жозибали чиққан. Бунга мисол қилиб чинозлик онахонларимизнинг чиқишларини айтиб ўтиш мумкин.

Танловнинг иккинчи кунини Қибрай ноҳияси ҳаваскорлари карнай-сурнай садолари остида бошлаб беришди. Фикримизча, шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеъри бу миллий тантанага мос танланган бўлиб, кўрик қатнашчиларини янада руҳлантириб юборди. Ноҳия мақомчилар дастасининг қўшиқ ва рақслари ҳаммага маъқул бўлди. Айниқса мумтоз қўшиқларимиз халқимизнинг қон-қонигача сингиб кетган, десак муболаға бўлмайди. Онахонларимиз ижросидаги халқ қўшиқ ва рақслари, лапарлари фольклорларимизнинг нақадар бойлигидан дарак беради. Дастурдаги лирик қўшиқ ва рақслар анча яхши тайёрланган. Кўрикда ҳаваскорлар ижросида катта ашулалар ҳам иштиёқ билан тақдим қилинди. Маълумки, катта ашулани ижрочилар кўпинча микрофонсиз ижро этадилар. Бу эса тингловчиларга яна ҳам жозибалироқ таъсир этади. Қибрай маданият уйи мақомчилар дастасининг қўшиқ ва рақслари, ҳотин-қизлар ижросидаги қадимий фольклор қўшиқлари ва лапарлари ҳам кечага файз бағишлади. Шунингдек қибрайлик Қ. Бейшанбаевнинг ўланларини тўпланганлар иштиёқ билан тингладилар.

Юқори Чирчиқ ноҳиясидаги «Политотдел» жамоа хўжалиги «Роёндан» корейс фольклор жамоаси ва «Жемчужина» болалар рақс дасталарининг маҳорати ҳам эътиборга лойиқдир. Айниқса, болалар рақс дастасининг тайёргарлиги юқори даражада бўлиб, қатнашчиларнинг миллий кийимлари ўзларига мос танланган. Рақс дастурлари ҳам яхши саҳналаштирилган, улар ижросидаги якка ва оммавий томошалар томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати томонидан яхши кутиб олинди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, «Жемчужина» дастасига «Намуналн рақс жамоаси» унвони бежиз берилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Корейслар бизнинг халқимиз билан қон-қардош бўлиб яшаб келаётганлиги «Роёндан» фольклор дастасининг концерт дастуридан ҳам сезилиб турди.

Бу кўрик—беллашувнинг дастлабки тури бўлиб, унинг давоми 25 ва 26 апрель кунлари Янгиобод ва Бўкада бўлиб ўтди. Ҳакамлик ҳайъатига Тошкент Давлат маданият олийгоҳидан етакчи мутахассислар таклиф қилиниб, раислик қилиш вазифаси эса вилоят маданият бошқармаси раҳбарларига топширилди.

Ғайрат ТЎЛАГАНОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 1,5-3 йил.**

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 1,5-3 йил.**

ФЕРМЕР-УСИМЛИКШУНОС (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 1,5—3 йил.**

ҲУЖЖАТЛАР 8 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 10 августдан бошлаб ЎЗБЕК ТИЛИДАН (диктант) **ва БИОЛОГИЯДАН** (оғзаки) **имтиҳон топширадилар.**

Билим юртига 9, 11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. 3 йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 1,5 йиллик фермер гуруҳларига Армия сафидан қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади. 3 йиллик гуруҳ ўқувчилари 2 курсдан сўнг ўрта маълумот ҳақида ҳужжат оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш амалиёти жумҳуриятимизнинг фермер хўжаликларида ўтказилади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

12-ҳунар-техника билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секцияларн мунтазам ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли); маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли); турар жойидан маълумотнома; отаси ёки онасининг иш жойидан маълумотнома; 6 дона сурат (3×4 см); 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Машғулотлар 1 СЕНТЯБРДАН бошланади ва фақат ўзбек тилида олиб борилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 8.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, Геофизика қўрғони (М. Горький метроси — Тузель автобусининг «Геофизика» бекати ёки 21, 49, 63, 73, 112-шаҳар автобусларининг охирги «1-Қора-сув даҳаси» бекати).

Маълумотлар учун телефон: 64-31-34.

БИЛДИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

7 май куни соат 13.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Юқори синф ўқувчилари ва ҳунар-техника билим юртларининг талабалари таклиф этиладилар.

Шу куни Радио кунига бағишланган анъанавий тантаналар бўлиб ўтади.

Олий билимгоҳнинг профессорлари ва ўқитувчилари билан учрашувлар ташкил этилади. Лабораториялар бўйлаб экскурсиялар ўтказилади.

Талабалар конструкторлик бюроси энг яхши талабалар техникавий ишланмаларининг кўрик-кўргазмасини ташкил этади.

Ўқув даргоҳининг спорт майдончаларида театрлаштирилган байрам томошалари ўтказилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—16. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 30579 нусха босилди.